

**ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАРНИ ШАКИЛЛАНИШИ ВА  
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА ТАН ОЛИШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*Obidov Rakhmonali Rasulovich*  
*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti dotsenti, PhD.*  
*Email: [mars.or@mail.ru](mailto:mars.or@mail.ru)*

**Аннотация.** Мазкур мақолада даромад ва харажатларни тан олиш, турли баланс назарияларида молиявий натижаларни шакллантириш, бухгалтерия ҳисобида молиявий натижаларни турли концепциялар бўйича акс эттириш, молиявий натижалар бўйича бухгалтерия ҳисоби ахборот таъминотини такомиллаштириш, рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш масалалари ўз ечимини топган. Эътироф этиш жоизки, мақолада айни пайтда даромад ва харажатларни таснифлаш, ялпи даромад тўғрисида ҳисбот кўрсаткичларини шакллантириш, молиявий натижалар юзасидан ҳисоб ахборотларининг ишончлилигини ошириш, рентабеллик кўрсаткичларини аниқлашга эришилган. Лекин, молиявий натижалар ҳисоби ва ҳисботини халқаро стандартлар талаблари даражасида ташкил қилиш билан боғлиқ муҳим масалалар ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаган. Молиявий натижалар ҳисоби ва ҳисботининг назарий ҳамда услубий асосларини яратиш ва уни такомиллаштириш бўйича бир қатор хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмийтадқиқотлари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** молиявий натижалар, даромадларни тан олиш, харажатларни тан олиш, молиявий ҳисбот

Молиявий натижалар, даромадларни тан олиш, харажатларни тан олиш, молиявий ҳисбот, даромад, харажат, фойда, зарар, даромадлар ҳисоби, зарарлар ҳисоби, даромадларни шаклланиши, харажатларни шаклланиши. Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисботларининг шаффоғлигини таъминлаш, молиявий натижалар кўрсаткичларини халқаро стандартлар талаблари асосида шакллантириш, молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотларнинг ишончлилигини тасдиқлаш муҳим ҳисбланади. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида [1].

«Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни - 1,6 баравар ва 2030 йилгабориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» [3] қаторига кириш учун замин яратиш» мақсадининг қўйилиши ҳам ташкилотларда даромадлар ҳисобини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш борасида аниқ вазифаларни белгилаб берди. Молиявий натижалар ҳисоби ва ҳисботига

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

оид муаммоларни бартараф этиш, молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотларни халқаро стандартлар талаблари даражасида шакллантиришини тақозо қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелда ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори, [6] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага оид яна бир қатор норматив-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур мақолада муҳим методологик асос бўлиб хизмат қиласи.

Хўжалик юритувчи субъектларда даромадлар ва харажатларни ҳисобга олишнинг тармоқлар бўйича ўзига хос ҳусусияти мавжуд, хўжалик юритувчи субъектларида ҳисоб юритишда янада аниқлик ва шаффоффликни талаб қиласи. Шу нуқтаи назардан, хўжалик юритувчи субъектларида тармоқ ҳусусиятларидан келиб чиқиб, даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш ва таҳлилини амалга ошириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Дунё амалиётида корхоналар даромадлари ва харажатларини бошқариш, харажатларнинг таркибий таҳлили, ҳисоб-ахборот ҳамда маълумотлар базасини ўрганиш, пахта-тўқимачилик харажатларини оптималлаштириш орқали юқори самарадор лойиҳаларни ишлаб чиқишининг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. [2]

Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий мақсади маълум бир хўжалик субъектининг барча хўжалик муомалаларини расмий равища ҳисобда акс эттириш ва маълум бир давларда фойдаланувчиларга зарурӣ маълумотларни бериш ҳисобланади.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар олдига қўйган асосий мақсади бу фойда олишdir. Фойда ижтимоий ишлаб чиқаришни ҳамма босқичларининг иқтисодий категориясидир. Фойда иқтисодий категория ва молиявий якун сифатида ўзининг энг юқори аҳамиятига бозор муносабатлари, бозор иқтисодиёти даврида кўтарилади. Фойдани барпо этиш, уни реализация қилиш бу кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришни, қиймат қонунини ва хўжалик юритиш усули сифатида фойдаланадиган хўжалик ҳисобининг объектив талабидир.

Хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқаришнинг доимо кенгайишини, унинг техникавий даражасини мунтазам кўтариб туришни талаб этади. Бунинг учун ишлаб чиқаришда

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

ҳамма вақт фойдага эришилиши, реализация қилиниши ва ундан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиш лозим. [5]

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида фойда иқтисодий ҳаракатнинг зарурӣ шарти мақсади сифатида қаралади. Жаҳон амалиётида фойда дейилганда кўпинча бизнес самарадорлигининг тадбир воситаси сифатида қаралади. Фойда бу даромадлар ва харажатлар фарқланишидаги юқори ўзгарувчанликдир. Улар орасидаги қуий ўзгарувчанлик эса заарни ифодалайди [8].

Даромадлар ва харажатлар молиявий натижларни характерловчи фойдани ўлчашга дахлдор бўлган элементлар ҳисобланади. Даромадлар ва харажатларни, яни фойдани аниқлаш ва ўлчаш - корхона ўз молиявий ҳисботини тайёрлашда фойдаланиладиган капитал концепцияси ҳамда капиталнинг сақланишига боғлик бўлади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадлар ва харажаталар элементлари қуидагича аниқланади:

Даромадлар - бу ҳисбот даврида иқтисодий фойданинг активларнинг оқими ёки кўпайиши шаклида ўсиши ёки пассивларнинг қатнашчиларнинг капиталдаги омонатларидан фарқ этувчи ўсишига олиб келувчи камайишидир.

Харажатлар – ҳисбот даврида иқтисодий фойданинг активларнинг чиқиб кетиши ёки улардан фойдаланиш шаклида камайиши, шунингдек, қатнашчилар ўртасида капиталнинг камайишига олиб келувчи мажбуриятларнинг юзага келишидир. Даромад ва харажатларни аниқлаш уларнинг асосий ҳусусиятларини белгилайди, аммо уларни молиявий натижалар ҳисботида акс эттиришда талаб қилинадиган мезонларни аниқлашни мақсад қилиб қўймайди.

Ўзбекистоннинг иқтисодиётини модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектларининг молиявий натижаларини таҳлил этишда молиявий таҳлилнинг энг асосий вазифалари бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

- Хўжалик юритувчи субъектларининг фойдалилик даражасига баҳо бериш;
- Хўжалик юритувчи субъектларининг молиявий натижаларини таркиби, тузилиши ва динамик ўзгаришларига баҳо бериш;
- Хўжалик юритувчи субъектларининг бизнес режада белгиланган фойдалилик даражасига эришилганлиги ва унга таъсир этган омилларни ўрганиш ҳамда баҳо бериш;
- Хўжалик юритувчи субъектлари фойданинг шаклланиши ва ишлатилишининг асосланганлигини текшириш;
- фойданинг кўпайган ёки камайганлигига маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан ва бошқа фаолиятлардан эришилган натижанинг таъсир этишини аниқлаш;
- Хўжалик юритувчи субъектларининг ялпи фойдаси ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

Хўжалик юритувчи субъектларининг солиқقا тортилгунга қадар бўлган фойданинг шаклланишига ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;

- Хўжалик юритувчи субъектларининг соф фойдаси ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш ҳамда баҳо бериш;

- Хўжалик юритувчи субъектларининг соф фойдани кўпайтириш йўналишларини белгилаб бериш;

- Хўжалик юритувчи субъектларининг рентабеллик кўрсаткичларини ўрганиш ва уларга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;

- Хўжалик юритувчи субъектларининг умумий рентабеллик даражасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва ҳакозолар.

- Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш шароитида корхоналарнинг молиявий натижаларини таҳлил этишда асосий ахборот манбалари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг бизнес режа маълумотлари;

- корхонанинг “Молиявий натижалар тўғрисида”ги ҳисобот (2-шакл) маълумотлари;

- бухгалтерия ҳисобининг молиявий натижаларни акс эттирувчи тегишли счёт маълумотлари.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлари ўзининг ишлаб чиқариш тижорат фаолиятидан кўпроқ даромад олишдан манфаатдор. Аммо нафакат фойда, балки юқорида таъкидланганидек, зарар ҳам фирма ва компания фаолиятининг молиявий натижаси бўлиши мумкин. Бундай ҳолат фирма ва компания самара бермайдиган ишлаб чиқариш усулларидан фойдаланса ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот истеъмолчилар талабини қондирмаса рўй бериши мумкин. [7]

Фойда, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи ҳам соф даромаднинг шакллари бўлиб ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири ташкил топиш механизми ва улар йўналишлари бўйича бир биридан фарқ қиласди. Қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи давлат бюджетига маҳсулот сотилганидан кейин ўтказилади, бу маблағ умумдавлат ҳамда умумхалқ мақсадлари учун сарфланади. Бу солиқлар давлат бюджетининг фойдаси бўлиб, товарларни сотувчи, маҳсулот ишлаб чиқарувчи, иш ва хизматлар кўрсатувчи фирма ва компаниялардан белгиланган фойдалансанда асосида ундирилади ва бюджетга ўтказилади. Бу давлат бюджети фойда қисмининг бир бўлагини ташкил қиласди.

Фойда хўжалик юритувчи субъектларининг охирги молиявий натижаси ҳисобланади. У хўжалик юритувчи субъектлари даромадининг бир қисмини ташкил қиласди. Кўпгина одамлар фойда ва даромад тушунчаларини адаштиришади. Аслини олганда фойда бу даромаддан турли хил чегирмалари ва бошқа харажатлар айриб ташлангандан сўнг фирма ва компания ихтиёрида қоладиган даромаднинг бир бўлаги. Фирма ва компания ва ташкилотлар фойдани турли мақсадларда сарф қилишлари

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

мумкин ва бу хўжалик юритувчи субъектлари таъсис хужжатлари, фирма ва компания раҳбари ёки акциядорлар йиғилиши қарорига биноан амалга оширилади.

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг (2-сон шакл) амалдаги шаклида ўтган йилнинг ва ҳисбот йилнинг мос кўрсаткичлари кўрсатилган, қайсики ҳисбот даврида ўтган йилга нисбатан мос кўрсаткичларнинг ўзгаришлар тенденцияларини ўрганиш учун муҳим ахборот манбаи ҳисобланади.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги низом корхонанинг иш фаолияти самарадорлигини таърифловчи бир қанча асосий кўрсаткичларни ҳисоблашга услубий ёндашишни таъминлайди. Бу кўрсаткичлар қўйидагилардан иборат:

- Ялпи фойда (YAF);
- Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи (IT);
- Сотишдан олинган ялпи фойда (SYAF);
- Давр харажатлари (DX);
- Асосий фаолиятдан олинган фойда (AFF);
- Молиявий фаолиятдан олинган фойда(MF) ёки зарап(MZ);
- Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (UF);
- Фавқулодда фойда (FP) ёки зарап (FZ);
- Солиқ тўлангунгача олинган фойда (STF);
- Соф фойда (CF).

**Хўжалик юритувчи субъектларида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот** – бу шундай **Молиявий ҳисботки**, қайсики унда маълум бир давр учун **фирма ва компаниянинг даромадлари** ва ҳисобга олинган харажатлари умумлаштирилади. Профессор М.Б.Калонов харажатлар ҳисобини янада такомиллаштириш юзасидан ўз фикрларини қўйидагича келтирган [7] “**Корхона харажатларини ҳам даромадлар билан бир хил услубиёт асосида ҳисобини юритиш, харажат турлари тўғрисидаги маълумотларни ҳисоб ва ҳисботдан аниқ олиш имкониятини яратиш, даромад ва харажатлар ўртасидаги қиёсланувчанликни таъминлаш мақсадида корхона харажатларини — “Фаолият билан боғлиқ харажатлар” ва — “Бошқа харажатлар ва заарларга ажратиш” ва “...бухгалтерия ҳисобида харажатлар ҳисобини юритишда ва ҳисботда акс эттиришда қўйидаги мақсадлар доимо асос қилиб олиниши лозим:** [6]

Ш.А.Пардаева томонидан харажатларни ҳисобга олишини такомиллаштириш бўйича қўйидаги таклифлар олдига сурилган “... “Таргет-костинг” ҳисоб тизимини трансформация қилиш натижасида “Баҳо - Фойда = Таннарх” модели орқали ёндашиш натижасида харажатларни нафақат келгуси истиқболда, балким маҳсулотни ишлаб чиқаришини лойиҳалаштириш пайтидаёқ кўра билиш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш имкониятини яратди: - энг аввало ва доимий тарзда бозор ва харидор талабига мослашиш; - бозордаги ҳолатдан

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

келиб чиқиб белгиланган фойда миқдорига эга бўлиш учун маҳсулотнинг таннархини калькуляция қилиш; - маҳсулот таннархини калькуляция қилишда унинг сифатига харидор томонидан қўйиладиган талабларни тўлиқ сингдиришга” [7] эришилиши алоҳида таъкидлаб ўтилган.

А.Х.Азларовнинг фикрича “...тармоқда умумишлиб чиқариш харажатлари хар бир маҳсулотнинг турига асосий ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг меҳнат хақига нисбатан мутоносиб тақсимланмокда. Бу эса қўл меҳнати юқори бўлган корхоналарда таннархнинг ошиб кетишига сабаб бўлмоқда...” [8].

Р.Обидовнинг фикрича эса “...кластерларда харажатларни таснифлаш ва ҳисобини юритишда уларни вужудга келиши ва иқтисодий мазмунига мослигини таъминлаш, кластер тизимидаги корхоналарнинг харажатлари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотларни шакллантириш, маҳсулот таннархини тўғри аниқлаш...”[9] бугунги долзаб масалалардан бир эканлигини таъкидлайди. Шу нуқтаи назардан кластер тизимида бухгалтерия ҳисобининг ўзига хослиги улар фаолиятда қилинаётган харажатлар ҳисоби билан боғлиқ масалаларни жиддий муҳокама қилишни талаб этади. Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) асосида ҳисоб юритиш ва Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия стандарт (БҲМС)ларини такомиллаштириш ҳамда уни халқарога мослаб қўллашжараёнида ўз долзарблигини намоён этади. Мазкур стандартларни қўллашда бир-биридан фарқли жиҳатларини тўғри талқин этиш, хўжалик юритувчи субъектлари маблағлари, уларнинг манбалари ва иқтисодий таҳлил қилишда муҳим роль ўйнайди. Дунё мамлакатларида ўзаро алоқаларнинг чуқурлашиб бориши натижасида глобаллашув жараёнлари умум тан олинган халқаро меъёрлар ва стандартларга ўтиш ҳамда уларга амал қилишга бўлган талабларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги кунда 1 та халқаро концептуал асос, 29 та Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари (БҲМС) ва 18 та Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) ва 33 та стандартлар амалиётга жорий қилинган бўлиб, халқаро даражада тан олиниб, улардан амалиётда фойдаланишмоқда.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Конуни. Янги таҳрири. 2016 йил 13 апрель ЎРҚ-404-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030

# BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5853-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Тошкент 2022 йил 20 декабрь йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъruzаси // Халқ сўзи, 2020 йил 21 декабрь.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611-сонли Қарори <https://lex.uz/docs/4746047>

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиши харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш бўйича Қарори. 1999 йил 5 февраль, 54-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида замонавий уруғчилик кластерларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 986-сонли Қарори 2019 йил 12 декабрь, <https://lex.uz/docs/4640331>

8. Обидов Р.Р. “Кластер тизимида харажатлар ҳисобини такомиллаштириш” мавзусида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати. Т.: -2021.

9. Калонов М.Б. Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. . Т.: -2019

10. Choriev I.X. Auditorlik faoliyatida tahliliy amallarni takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – Toshkent: «Iqtisod-moliya»nashriyoti, 2021, - 21-26 b.

11. Raximov M. Y. Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. O'quv qo'llanma / O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi Toshkent Moliya instituti. -T.: «IQTISOD-MOLIYA», 2013.392 b.

12. Raximov M.Y. Moliyaviy tahlil-2 (o'quv qo'llanma) T.:TMI. 2003 y. 166 b.

13. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Xo'jalik yurituvchi subyektlarda CVP-tahlilni tashkil etishning muammoli jihatlari. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 4 (2024), 754–759

14. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. *Scientific Journal of International Finance & Accounting*, Issue 1, February 2023.

15. Қличев, Б. (2022). КРІ ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАФБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1343>

16. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2024). Problematic Aspects of Organizing Cvp-Analysis in the Enterprises of Uzbekistan // Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 5(5), 241–248. Retrieved from <https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/4906>

17. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting*, Issue 2, April 2023.

18. U.K.Yakubov, G.S.Maxmudova. (2022). Biznes tahlil: Operatsion tahlil-1,2. (Darslik). –T.: “Nihol print”, 205 b.

19. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Korxonalarda operatsion faoliyat samaradorligini tahlil qilish masalalari. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 86–94. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrij/article/view/3251>

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

20. Косимович, Я. У. (2024). Ташки савдо фаолиятида мақбул ечимни топиш масалаларини таҳлили. *World scientific research journal*, 26(2), 199-205.
21. Tulaev, M. (2024). Moliyaviy hisobot konsepsiyalari. *Nordic\_Press*, 2(0002).
22. Абдуллаев, А. Б. (2019). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА И АНАЛИЗА НАЛОГОВ. In *БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ: ДОСТИЖЕНИЯ И НАУЧНЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ XXI ВЕКА* (pp. 10-17).
23. Kasimovich, Y. U. (2021). Developing A Model On The Basis Of A System Of Indicators Determining The Efficiency Of Foreign Trade Activities. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry*, 12(7).
24. ҚЛИЧЕВ, . Б. П. (2022). ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛЛИГИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>
25. Кличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини тақомиллаштириш масалалари. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(01), 170–173. <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173>
26. Tulaev, M. (2024). T BUXGALTERIYA HISOBINING SCHYOTLARI VA ULARNING MOHIYATI. Nordic\_Press, 2(0002).
27. Qlichev, B. (2024). Korxonalar faoliyatini rivojlantirishda operatsion faoliyat tahlilining zarurligi. Mintaqani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari, Konferensiya to'plami. Termiz, O'zbekiston. 15-iyun 2024-yil. <https://doi.org/10.5281/zenodo.11909171>
28. Қличев Баҳтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини тақомиллаштириш масалалари. Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 13(7), 42–49. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782>